

PSYCHOLOGY OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES ABOUT THE BASIS

R. Shermukhamedov

Ph.D., Associate Professor

Abstract:

The history of the emergence of the theory and practice of "pedagogical technologies" dates back to the 70-80s of the twentieth century, i.e. the research of American psychologists and pedagogical scientists. One of the major theories in the field of psychology in the emergence of pedagogical technology one is that there is an organic connection with behaviorism. It is well known that behaviorism originated in America in the early twentieth century. The experimental basis of this theory is the work of Edward Thorndike on animals and their behavior.

Мазкур тадқиқотларнинг кўплаб хулосалари одамларнинг хулқ-атворини тушунтириб беришда ҳам инobatга олинади. Э.Торндайк 1906 йилда Америкада чоп этилган «Психологияга асосланган таълимнинг принциплари» китобида тартиб билан шундай фикрни илгари сурадики, педагогика психологияга таяниши лозим, даставвал эса хулқ-атвор психологиясига таяниш зарур деган маъно ётади. Бу китобнинг кириш сўзида Л.С.Выготский Торндайкни объектив психологиясининг ва хулқ-атвор психологиясининг асосчиси сифатида таърифлаб, шундай деб ёзади: “У (Торндайк) инсон психикасига ва хулқ-атворига гўёки муҳитдан келадиган ташқи кўзғалишларга ва организмнинг ўзида пайдо бўладиган ички кўзғатувчиларга организм реакциясининг тизими сифатида қарашни асослаб беради”.

Дж.Уотсон бихевиоризм таълимотини ривожлантирган олимлардан бири ҳисобланади ва у ўзининг “Психология хулқ-атвор ҳақидаги фан сифатида” китобида шундай деб ёзади: “Психология учун энг маҳсулдор нукта – бу ўзини ўзи ўрганиш эмас, балки кўшнини ўрганишдир”. Мана шу фикрлар самараси ўлароқ S-P (стимул-реакция) кўринишидаги машҳур схема пайдо бўлди. Дж.Уотсоннинг фикрига кўра, психология хулқ-атвор ҳақидаги фан сифатида инсон онгининг таҳлили билан эмас, балки инсон ҳаракатларини башорат қилиш, уларни бошқариш билан шуғулланиши зарур.

Бихевиоризмдан ажралиб чиққан необихевиористлар (Эдуард Чайс Толмен ва Кларк Леонд Холл) бихевиористлардан фарқли ўлароқ «медиаторлар» концепцияси билан чиқишди.

Бихевиоризм назариясининг сўнгги намояндаларидан бири – Б.Ф.Скиннердир. У инсон ҳаётида кўникмаларнинг ролини кўрсатиб берар экан, уларга инсонларни ўргатиш мумкинлигини кўрсатиб беради. Агар эътибор бериб қаралса, стимул-реакция схемаси таълим жараёнидаги «ўқитувчи – талаба» системасига мос тушади. Демак, ўқитувчи – бу ўзига хос стимул ҳисобланади ва ўқув материали ёрдамида талабага таъсир кўрсатади. Таъсир натижасида талабада маълум реакциялар кузатилади. «Стимул-реакция» қонуниятларини аниқлаштирган ҳолда стимулни маълум режа асосида тузиб, талабаларда вужудга келадиган реакцияларни башорат ҳам қилиш имконияти рўёбга чиқади. Бу эса ўз-ўзидан таълим жараёнида «технология» тушунчасини киритилишига сабаб бўлди. Скиннер ҳатто педагогик технологияларнинг келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган программали таълим тизимини ҳам яратган олимдир.

Таълим жараёнида ўқитувчининг ўқув материали ёрдамида талабага таъсирини «стимул-реакция» схемасига тушириш мумкин. Ўқитувчининг ўқув материални қай йўсинда узатиши – бу айнан педагогик технологияларни беради ва шу ҳолат келажакда «педагогик технологиялар» концепциясининг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилади.

«Педагогик технологиялар» концепциясини ўзига хос ҳолда талқин қилган илмий йўналишларидан яна бири – гештальтпсихология ҳисобланади. Немис олимлари томонидан илгари сурилган бу йўналиш асосан инсон онги ва тафаккурининг ташкилий хусусияти ҳақидаги ғояни тарғиб қилади.

Дж.Дьюи таълимнинг ўзига хос психологик назариясини ишлаб чиқиб, унга биноан таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг роли таълим олувчиларнинг мустақиллигини бошқаришдан ва уларни мустақил тафаккур қилувчи инсонларга айлантиришдан иборат. Америкалик психолог Дж.Брунернинг фикрича, ўқув материалларини эгаллаш жараёнида интуитив тафаккурнинг устунлик қилишни кашф қилди. У.Александр, П.Хальверсон ва ҳоказоларга тааллуқли бўлган «муаммоларни ечиш орқали таълим бериш» назарияси бугунги кунда америка педагогик психологиясида катта эътиборга эга. Бу назария қуйидаги ўзига хос хусусиятларга эга ҳисобланади:

а) бу назарияда ўқитувчининг ролини ошириш ва талабанинг «ўзини-ўзи ифодалашга» ўта катта эътибор қаратилмаган;

б) бу таълимда муаммони ечишнинг жамоавий принципи илгари сурилади;

в) таълимда муаммоларни ечиш усулига ёрдамчи усул сифатида қаралади.

С.Л.Рубинштейн, Н.А.Менчинская, Т.В.Кудрявцев сингари психологлар ақлий тараққиёт нафақат ўзлаштирилган билимларнинг ҳажми ва сифати билан характерланади, балки ақлий жараёнларнинг структураси билан, талабадаги мантикий операциялар ва ақлий ҳаракатларнинг тизими билан ҳам характерланади. А.М.Матюшкиннинг фикрича, таълим жараёнида таълим олувчи тафаккурининг ривожланишига сабаб бўладиган асосий омил – бу муаммоли вазият ҳисобланади. Муаммоли вазиятни яратган ҳолда таълим бериш янги педагогик технологияларнинг бир тури бўлиб, таълимда талабани фикрлашга, мустақил ғояларни илгари суришга олиб келади.

Адабиётлар

1. Ғозиев Э.Ғ, Тўлаганова Г. Педагогик психология асослари. – Т: Университет, 1997. - 186 б
2. Дьюи Дж. Психологические и педагогические мышления (Как мы мыслим)/ Пер. с англ. – М., 1999. - 187 с.
3. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А., Педагогик технология асослари: Қўлланма. -Т.: «Ўқитувчи», 2004.